

**Абдуллаева Гулчехра Абдуллажоновна,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети «Педагогика ва умумий  
психология» кафедраси таянч докторанти (PhD)  
**Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна,**  
Ўзбекистон Миллий университети докторанти  
(DSc), фалсафа фанлари номзоди

## ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ КВАЛИМЕТРИК МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

УЎК: 37.014.3

---

### **АБДУЛЛАЕВА Г.А., АЛЛАЯРОВА С.Н. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ КВАЛИМЕТРИК МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Мақолада таълим-тарбия тизимини назорат қилиш ва баҳолашда квалитетрик-мониторингнинг ўрни, ҳамда унинг таълим-тарбия жараёнидаги миқдорий ўзгаришларни динамикаси, фаолият натижаларини яхлитлаш, тарбияловчи ҳамда тарбияланувчиларни сифат ва самарадорлигини таҳлил қилиш каби таълим-тарбия соҳасининг умумий фаолиятини ташхис қилишдаги аҳамияти очиқ берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: квалитетрик мониторинг, сифат, тарбия, маънавият, ахлоқ, даражаси, педагогик ҳамкорлик.

---

### **АБДУЛЛАЕВА Г.А., АЛЛАЯРОВА С.Н. КВАЛИМЕТРИЧЕСКИЙ МОНИТОРИНГ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

В статье обсуждается роль квалитетрического мониторинга в контроле и оценке системы образования, а также его роль в диагностике общей деятельности образования, а именно - динамика количественных изменений образовательного процесса, подведение итогов, анализ качества. и эффективность преподавателей и студентов.

Ключевые слова и понятия: квалитетрический мониторинг, качество, образование, духовность, нравственность, педагогическое сотрудничество.

---

### **ABDULLAYEVA G.A., ALLAYAROVA S.N. QUALIMETRIC MONITORING OF THE QUALITY OF THE UPBRINGING PROCESS: PROBLEMS AND SOLUTIONS**

In the article is made an attempts to highlight the role of qualimetric monitoring in implementing control and assessment of the education system, as well as its role in the diagnosis of the general activity of education, such as the dynamics of quantitative changes in the educational process, summing up, analysis of the quality and effectiveness of teachers and students.

Key words and concepts: qualimetric monitoring, quality, education, spirituality, morality, pedagogical cooperation.

**Кириш.** Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими мониторинг қилиш трансформацияси эндиликда такомиллашиб бораётган жараёнлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда педагогик мониторинг тажрибасини ошиб бориши таълим соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, таълим-тарбия жараёнидаги миқдорий ўсиш динамикаси, фаолият натижаларини яхлитлаш, таълим берувчи ва таълим олувчилар самарадорлигини таҳлил қилиш каби умумий фаолиятни назорат қилиш ҳамда бошқарувнинг инновацион тизимини йўлга қўйиш тенденцияларига имконият очиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуннинг 42-моддасида “Таълим тизимида мониторинг-таълимнинг ҳолатини, таълим натижаларининг ўзгариш суръатларини, таълим фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва кузатишни, шунингдек таълим олувчиларнинг контингенти тўғрисидаги маълумотларни ва бошқарув қарорлари қабул қилинишини таҳлил этишни ўз ичига олади” дея белгилаб қўйилган.

2017-2021 йилларда беш муҳим йўналиш бўйича ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4-бандида ҳам «... таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш; илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»<sup>1</sup> вазифалари таълим ва фан соҳаларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари сифатида белгиланган эди.

### **Мавзунинг доларблиги.**

Мавжуд вазифаларни ижросини таъминлаш ва таҳлил қилишда мониторинг ва квалиметрик ёндашувларсиз натижадорликни аниқ ва ҳаққонийлик асносида баҳолаб бўлмайди. Лекин, бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида

баҳолаш ва ўлчаш муаммолари кам ривожланган бўлиб, бу эса педагогика соҳасида квалиметрик мониторинг бўйича тадқиқот ишларини кучайтириш заруратини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш – жамиятнинг таълим субъектлари салоҳиятини кучайтириш, жамиятга маънавий-ахлоқий сифатга эга, етук ва малакали мутахассисларни етказиб бериш эҳтиёжи туфайли янги замонавий ёндашувни талаб этади. Умумий ўрта таълимда маънавий тарбия жараёнининг сифати, уни янги босқичга олиб чиқиш ва баҳолаш масалалари замонамиз ёшларининг мустақам тарбия топишида муҳим ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу мақсадда, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини сифат жиҳатдан баҳолашни “квалиметрик-мониторинг”<sup>2</sup> ёндашуви асосида ташкил этиш масаласи – доимий анъанавий баҳолаш тури сифатида қўллаб келинган сифатий баҳолашни миқдор кўрсаткичлари билан белгилаш ва тарбиявий ишлар сифатини миқдорий ўлчаш методикасини ишлаб чиқиш орқали баҳолашни тақозо этади.

**Тадқиқотимизнинг мақсади** тарбия сифатини квалиметрик мониторинг қилиш моделини ишлаб чиқиш ва экспериментал асослашдан иборат.

**Тадқиқот гипотезаси** – маънавий-ахлоқий тарбия сифатига квалиметрик ёндашув тарбия жараёни иштирокчиларининг (ўқитувчи, ўқувчи, ота-она, ва маҳалла) тарбиявий механизмларини ўрганиш, ўз ўзини англаш ва баҳолаш, тарбия ишидаги фаоллигини оширишни назорат қилувчи муҳим воситаси ҳисобланади, агарда қуйидаги вазифалар илмий асосланиб амалга оширилса:

- педагогик ҳамкорликнинг мақсад ва вазифалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, самарадорлигини аниқлаш усулларини ўрганиб чиқиш;
- тарбияланганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://www.lex.uz/acts/3107036>

<sup>2</sup> Черепанов В.С., Шихов Ю.А. Квалиметрический мониторинг качества образования: концептуально-программный подход // Образование и наука. 2008. № 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kvalimetricheskiy-monitoring-kachestva-obrazovaniya-kontseptualno-programmnyy-podhod> (дата обращения: 05.12.2021).

– тарбия жараёнини квалитетрик мониторинг қилиш моделини ишлаб чиқиш.

**Квалитетрик мониторинг олиб боришдан мақсад** таълим-тарбия сифатини баҳолаш тизимига хизмат қилиш ва тарбия сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат. Педагогик ҳамкорликни квалитетриятлашдан асосий мақсад ҳам - тарбиявий мақсадларга эришганлик даражаларини аниқлаш ва таҳлилий баҳолашдан иборатдир. Яъни, маънавий тарбиянинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилларига мослигини квалитетрик методлар орқали аниқлаш асосида мақсад ва фаолият бирлигини назорат қилиш имконияти очилади. Бу экспериментал тадқиқот сифатида бир қанча шунга доир илмий изланишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш вазифасини юклайди. Шу мақсадда биз ҳам республикамизда ва хорижда мазкур масалага доир бажарилган ишларни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик. Улардан энг устувор аҳамият касб этган баъзи тажрибаларни ишимизнинг педагогик-методологик асоси сифатида келтирдик.

**Мавзу бўйича илмий адабиётлар таҳлили ва методология.** Мониторинг (инг. monitoring — кузатиш, назорат қилиш) — маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболни белгилашдир<sup>1</sup>. Мониторингни ҳар қандай соҳада амалга ошириш тажрибаси мавжуд. Демак, мониторинг қилиш орқали жараённи тартибга солиш, назорат қилиш, соҳа мазмунини ҳал қилувчи муҳим кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда муаммоли ва юксалтирувчи босқичларни белгилаш имкониятини беради. С.Усманов томонидан мониторинг тушунчаси ижтимоий тараққиётни фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида баҳоланган бўлса<sup>2</sup>, педагог олим Г.Каримовнинг қарашлари билан “Таълимда мониторинг тушунчаси – таълимда бирор жараённи уни кутилаётган натижага ёки дастлабки фаразга мос келиши мақсадида

доимий кузатишдан иборат эканлиги деб ифодаланган”<sup>3</sup>.

Хорижий олимлардан В.А.Сластенин, Л.Г. Горбуна, Н.И. Никитина, Т.Э. Галкина, Е.В. Комарова, О.А. Ефремова, В.С. Черепановлар ўзининг педагогик изланишларида квалитетрик мониторинг ва унинг методик муаммосини илмий-назарий жиҳатдан кенг таҳлил қилишган.

В.А.Сластенин изланишларининг диққат марказида ҳам таълим сифати муаммоси кўтарилган бўлиб, бу борада квалитетрик мониторингнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай дейди: “Таълимда илмий асосланган мониторинг тизимларини яратиш усулларида бири – таълим квалитологиясининг (сифатология) ажралмас қисми сифатида квалитетрик мониторинг тизимини яратиш, квалитетриянинг баҳолаш ва ўлчаш процедурасини алгоритмлаш ҳамда стандартлаштириш бўлиб, педагогик квалитетрия таълим, ўқитиш ва тарбиялаш “жараёни” ва “натижаларини” сифатини ўлчаш ва баҳолаш хусусиятларини очиб беради: таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш учун ўлчов-тест мажмуасининг квалитетрик асосини ишлаб чиқади”<sup>4</sup>.

Машҳур квалитолог В.С. Черепанов<sup>5</sup> квалитетрик мониторинг концепциясини қуйидаги асосий қоидаларини белгилаб берган:

1. Ҳар қандай таълим ташкилотида таълим сифатининг квалитетрик мониторинги кенг қамровли бўлиши ҳамда умумий ва касбий таълим сифатининг барча тизимни таш-

<sup>3</sup> Каримова Г.Қ. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг таркиби ва мазмунини такомиллаштириш: 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи, Дисс.иш.Т:2019.-Б.16.

<sup>4</sup> Сластенин В.А. Качество образования как социально-педагогический феномен // Пед. образование и наука. 2005. № 3. С. 65-69.

Субетто А.И. Квалитология образования. - М.; СПб.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 2000. - 220 с.

<sup>5</sup> Черепанов В.С., Шихов Ю.А. Квалитетрический мониторинг качества образования: концептуально-программный подход // Образование и наука. 2008. № 2. С. 66. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kvalimetricheskij-monitoring-kachestva-obrazovaniya-kontseptualno-programmnyu-podhod> (дата обращения: 17.12.2021).

<sup>1</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/monitoring-uz/>

<sup>2</sup> Каримова Г.Қ. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг таркиби ва мазмунини такомиллаштириш : 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи, Дисс.иш.Т:2019.-Б.15.

кил этувчи омилларини ҳисобга олиши керак. Яъни:

- таълимнинг мақсади ва мазмуни;
- талаба ва таълим муассасасининг моделлари,
- таълим технологиялари;
- педагогик назорат ва психодиагностика;
- педагогик прогнозлаш ва таълим стандартлари ва бошқалар.

2. Интеграциялашган квалитетик тизимни яратишнинг ягона мақсади - таълим сифатини назорат қилишдир. Бу эса нафақат ўқувчи шахсини шакллантириш (ўқувчи, талаба, бакалавр, магистр) балки, уларни маънавий жиҳатдан барқарор, юксак даражада умумий маданиятга эга, махсус (касбий) билим, кўникмаларга, тадқиқотчилик қобилиятга шунингдек, инсонпарвар шахс мақомига эга профессионал мутахассисни тайёрлаш назоратини йўлга қўйишдир.

3. Таълим оловчиларнинг малакаси билимлар мажмуи билан белгиланади, шунинг учун ҳам уларнинг умумий таълим соҳасидаги кўникмалари, шунингдек, аниқ келажакдаги касбий соҳа бўйича махсус билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражасини баҳолаб бориш зарур.

4. Таълим сифатини комплекс квалитетик мониторинг тизими кўп мезонли баҳолаш ва диагностикалаш имкониятлари билан озикланади.

Педагогиканинг қайси соҳаси бўлишдан қатъий назар яъни, у тарбиявий фаолиятми, тадқиқотчиликка йўналтирилган фаолият бўладими, педагогларнинг касбий компетентлиги билан боғлиқ ҳолат бўладими, агарда улар қандай самара бераётганлиги доимий мониторинг қилинмаса ва оқилона баҳолаб борилмаса бунда тизим ўз мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун ҳам, мониторинг ва квалитетия тушунчалари моҳиятига кўра бир хил мақсад асосида бирлашади ва бири-бирини тўлдиради.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Амалий мақсадларда таълим сифати тушунчаси деганда - таълим оловчини ўраб турган ўқув жараёни муҳитининг «сифат ўзгаришлари»,

маълум бир курс, бўлим якуни асосида тўплаган билим, эгаллаган кўникма ва малакалари, қадриятлари сифатининг яхшилланганлиги тушунилса, тарбия сифатида ҳам таълим-тарбия иштирокчиларининг персонал ҳамда жамоавийлик руҳидаги маънавий ўсиш суръати ҳамда уни белгилаб турувчи тарбия воситаларининг усул ҳамда амалга ошириш механизмларининг самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлиши тушунилади. Муайян мақсад сари бирлашиб ташкил этилган ҳар қандай фаолият қачонки ўзининг самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлгандагина ўз мақсадини оқлайди. Чунки, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида ҳам бирдек умумтаълим мактабини тамомлаган ҳар бир ёшнинг тарбияланганлик даражаси аниқ мақсад асосида баҳоланадиган бўлса, мустақил ҳаёт учун етарлича тажрибани кўрсатмайди. Демак, оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни тарбиялаш сифати ҳам тарбияловчилар зиммасидаги вазифаларни эталон сифатида белгилаб қўйилган малака талабларига мос равишда олиб борилишига боғлиқдир. Бунда, ушбу ҳамкорликнинг таъсирини мунтазам баҳолаш технологияларини йўлга қўйиш катта аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, педагогик фаолиятни квалитетик-мониторинг қилиш моделини ишлаб чиқиш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида оила, маҳалла ва мактаб интеграциясини ўрганиш ва квалитетик баҳолаш тадқиқот ишимизнинг асосий вазифаси сифатида белгилаб олинди. Фикризмизча, педагогик мониторингни асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим муассасасини умумий фаолиятини назорат қилиш, ташхис қўйиш ва илмий нуқтаи назардан ўрганиш;
- педагогик ҳамкорлик фаолиятини давлат талаблари асосида амалга оширилаётганлигини кузатиш;
- тарбия жараёнининг ташкил механизмларини ўрганиш;
- тарбияланувчиларни тарбияланганлик даражасини квалитетик-мониторинг қилиш;
- педагогик ҳамкорлик таъсирини ўрганиш мақсадида ўқувчилар ўртасида,

худди шунингдек ҳамкорлик асосида бирлашиб тарбиялашга муносабатини ўрганиш мақсадида ота-оналарга анкета сўровномаси ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– синф раҳбарлари учун “тарбиявий соат” вақтида ўқувчилар тарбияси билан ишлаш ва уларни назоратга олиш масаласига методик ёрдам бериш;

– ҳамкорлик фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш орқалигина фарзанд тарбиясида сифатга эга бўлиш мумкин эканлигини устувор фикр ёки шиор эканлигини ўзида асословчи услубий қўлланма яратиш.

**Квалиметрик мониторинг** – чоракдан чоракка, бир ўқув йилидан иккинчи ўқув йилига ўтишда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий талабларга мослиги ўрганиб бориш ва тарбияланганлик даражаси ҳақида маълумот олиш билан боғлиқ ташхисловчи методикадир. Мазкур квалиметрик методиканинг долзарблиги шундаки, умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган тарбиявий ишларнинг сифатий ҳамда миқдорий ўзгаришларни кузатиб бориш ва тарбия ишида мақсаддан четга чиқиш ёки узилиш каби муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш масалаларига эътибор қаратади. Бу албатта таълимдаги муваффақият ва камчиликларни ўрганиб бориш ва бартараф этиш каби муаммоларни квалиметрик ёндашиб ҳал қилинганидек тарбияга ишига ҳам квалиметрик ёндашиб иш кўриш заруриятини беради.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Бугунги кунда нафақат умумтаълим мактаблари балки бутун таълим ташкилотларимизда ҳам тарбия ишига комплекс квалиметрик ёндашиш учун методик таъминот етарли эмас.

Фикримизча, тарбия жараёнида квалиметрик мониторинг ёндашуви қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади:

– ўқувчиларнинг тарбиявий тенденцияларини аниқлаш ва шу асосда маънавий тарбия чора тадбирлари масаласида қарорлар қабул қилиш;

– педагогларнинг тарбиявий таъсирини ўрганиш ва позициясини кучайтириш;

– ўқитувчи ва ўқувчилар ўзларини назоратда эканликларини ҳис қилиши ва миқдорий ўсиш динамикасини кузатиш;

– интизом ва тартиб масаласини белгиланган мезонлар (интизом кодекси) асосида баҳолаш;

– назорат ва баҳолаш функцияларини методик тартибга солиш;

– тарбия жараёнига марказий эътибор қаратиш асосида ўқувчиларни таълимга мустақил ётқизишга эришиш.

Маънавий тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг энг одилона методи аслида бу – кузатиш ва суҳбатдир. **Маънавий тарбияни миқдорий хусусиятларини ўлчаш мумкинми?** Бу албатта, ечимини топмаган муаммо саналади. Шунинг учун ҳам тарбия ишларини квалиметриялашда фақатгина миқдорий эмас, сифатий баҳолаш имкониятларини инобатга олиб даражаланади.

Барча фанлар ҳам бирдек ўқувчида ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик каби тамойилларни чуқур сингдиришга хизмат қилмайди. Шунинг учун ҳам, умумтаълим мактаблари ташкилотчилигидаги (оила, маҳалла, таълим муассасаси) тарбиявий ишларни юқори синфлар кесимида баҳолайдиган бўлсак, қуйидаги омилларга ажратиш, таҳлил ва тадқиқ этишимиз зарур:

– **“санъат ва маданият** – тарбиялашнинг асосий воситаси сифатида” дейилади, лекин таълим муассасаси фаолиятида қуйидаги муаммолар тўлалигича ўз ечимини топмаётганлигини кўрамиз. Масалан, *театрлаштирилган саҳналар, оммавий тадбирларда иштирок ҳамда маънавий тадбирлар тор доирада эканлиги ва санъат орқали тарбиялаш линияларида мусиқа воситалари, саҳна чироқлари, либослар ва ташкилий-моддий шарт-шароитлар етишмовчилиги;*

– **“табиат ва меҳнат** – тарбиялашнинг асосий воситаси сифатида”. Қандай муаммолари мавжуд? *(алоҳида бириктирилган ер участкаси, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик, табиатга саёҳат, амалиётлар ҳамда иш қуроллари ва воситалари, техник омбори мавжуд эмаслиги);*

– **“маърифат** - тарбиялашнинг асосий воситаси сифатида”. Қандай муаммолари мавжуд? (*тўғарақлар, мусобақалар, кўрик танловлар, давра суҳбати, заковат, фан ойликлари, лаборатория жиҳозлари*);

– **“психологик хизмат** - тарбиялашнинг асосий воситаси сифатида”. Қандай муаммолари мавжуд? (психологик тренинглари, психологик ўйинлар, индивидуал ишлаш турлари, суҳбат, психометодик етишмовчиликлар).

**Асосий таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги пайтда таълим жараёнини мониторинг қилишнинг электрон тизими ривожланиб бормоқда. Педагогик квалиметриялаш ишларини мониторинг қилиш орқали яхлитлаш энг мақбул йўл бўлиб, айниқса тарбиявий ишлар ва ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини квалиметриялаш кўп мезонли ўлчов бўлганлиги сабабли таълим муассасаси назоратида ҳамкорлик асосида олиб борилаётган тарбиявий ишлар механизмларининг социомониторинги, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаларини синфлар кесимида ички мониторингини юритиш ва баҳолаш орқали квалиметрик мониторингни ташкил этиш мумкин. Қуйида **квалиметрик мониторинг** олиб боришнинг айрим муаммоларини ажратиб кўрсатиш керак:

- тарбия ишларининг мавжуд шакл ва услублари самарадорлигини аниқлаш;
- тарбиялашнинг замонавий технологик воситалари ва унинг талабларига мослигини баҳолаш;
- психологик, социологик, педагогик йўналишдаги мониторинг хизматларини жорий қилиш зарур;
- фаолият самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш ва таълим тизимларини ўз-ўзини ривожлантириш мониторингини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда квалиметрик мониторинг бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш ҳозирча олимларимиз назаридан биров четда. Таълим жараёнини квалиметрик мониторингини олиб бориш амалиёти бўйича деярли технологик имкониятларига эга бўлди ва ўзимизда синаб кўрдик. Бунга биргина халқ таълими соҳасини оладиган бўлсак,

Kundalik.com электрон тизимининг жорий этилиши ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигини баҳолаш имкониятини тўғридан тўғри таълим ташкилоти раҳбарияти учун ҳам, халқ таълими бошқармаси ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари учун ҳам ўз ўзини баҳолаш ва мустақил назорат қилиш дастури сифатида катта имкониятларни очиб берди. Демак, биз бугунги кунда мазкур платформа орқали ота-она сифатида фарзандимизни ўзлаштириш даражасини синф ўқувчиларига нисбатан ўсиш динамикасини ҳамда ҳар бир фан кесимида эгаллаб турган рейтингини кузатиш ва шу орқали фарзандимизнинг мактабдаги салоҳияти ҳақида маълумотга эга бўлиш имкониятига эга бўлди.

Масаланинг муаммоли томони шундаки, бугунги кунда умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар ва унинг маҳсулий ҳолати, яъни ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси масаласида мазкур платформа орқали маълумотга эга бўлиш қийин. Бу эса, тарбиявий ишлар бўйича электрон квалиметрик мониторинги тизимини ҳам жорий этишни талаб этади. Тўғри, kundalik.com электрон тизимида ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчининг ота-онасига ўзаро масалада алоҳида қайдлар қолдириши учун қисм мавжуд. Лекин, бу ўқитувчининг kundalik.com даги фаолияти учун рейтинг бал бермайди ва албатта ҳамиша ҳам ҳар бир ўқувчи учун алоҳида қайд қолдириш зарурияти белгиланмаган. Буни фақат синф раҳбарликдаги мажбурият сифатида ўқувчининг таълим масканидаги ҳафталик тарбиявий (ахлоқий, руҳий, эстетик, ҳуқуқий в.к.) ҳолати ҳақида сифатий баҳо ҳамда ўтказилган тарбиявий-методик ишларининг натижалари билан ота-оналарни таништириб боришлари ва бола тарбиясида ҳамкорликда ишлашга чорлашлари бу таълим-тарбия жараёнидаги муҳим босқич саналади.

Юқорида тавсия қилганимиздек, тарбиявий ишларнинг электрон мониторингини ишлаб чиқилса, бугунги кундаги педагог ва ота-оналарни махсус виртуал гуруҳлардаги (telegramm) фаолияти педагогик ҳамкорликнинг ягона ва таянч электрон воситаси

таси бўлиб қолмаган бўлар эди. Чунки, бу виртуал гуруҳлар ўқитувчи ва ота-оналарнинг биргаликда тарбиявий ишлардаги умумий муаммоларни ҳал этиши учун қўшимча қулайлик касб этиши мумкин, фарзанд маънавий тарбиясидаги миқдорий ўзгаришлар мониторинги учун эса етарли имконият бермайди ва ундан ташқари расмийлик касб этмайди.

Ундан ташқари умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар бўйича иш томонларининг функциялари, маънавий тарбиянинг мақсад бирлиги ва вазифаларнинг эса рангбаранглигини инобатга олиб, барча омилларнинг алоҳида таъсирий параметрларини кўрсатиб берувчи *универсал электрон квалиметрик мониторинг тизимини* (тарбияметрия) ишлаб чиқиш зарур.

Мазкур электрон тизимда:

- Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринсобоари, синф раҳбарлари ва психологларнинг тарбиявий ишлар режаси;

- умумий ўрта таълимнинг устави, соҳага доир қарор ва фармойишлар.

- мактабнинг умумий маънавий-маърифий тадбирлари: учрашувлар, очиқ эшиклар кунни, очиқ дарслар, давра суҳбатлари, байрамлар, мусобақалар, марафонлар, ота-оналар мажлислари ҳамда тадбир иштирокчилари ҳақида;

- саёҳатлар (ишлаб чиқаришга саёҳат, олий таълим муассасаларига саёҳат, болалар уйига саёҳат, табиатга саёҳат, музей ва театрларга саёҳат);

- психологик хизмат тури (индивидуал ва жамоавий суҳбатлар, семинар тренинглар, вебинар, психологик ўйинлар, психологик методикалар ва унинг натижалари);

- эришилаётган ютуқлар: персонал ва жамоавий кўрсаткичлар билан;

- жамиятимизнинг энг долзарб муаммоли масалалари юзасидан огоҳлантириш ва тушунтирувчи хусусият касб этувчи назарий-амалий ишланмалар;

- ота-оналар учун йўриқномалар, услубий тавсиялар, анкета сўровномалари в.к.

- синфлар кесимидаги тарбиявий иш кўрсаткичлари мониторинги;

- ёпиқ тарзда ҳар бир синф ўқувчисининг тарбиявий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилиши лозим.

**Хулоса.** Ҳар қандай фаолиятнинг сифатли ташкил этилиши унинг натижадорлигини мақсадга мувофиқлик параметрларига мос келиши билан аҳамиятлидир. Демак, ҳамкорлик кучларини бирлаштириш асносидаги **мақсад + фаолият мазмуни (моҳияти) + натижа ва самарадорлик** бу – умумий маънавий тарбияга сафарбар этилган кучларнинг узилмас занжиридир. Тарбия жараёнига квалиметрик ёндашув бу – маънавий-ахлоқий ишлар сифати ва самарадорлигини аниқлаш ҳамда такомиллаштиришнинг муҳим босқичидир.

Тарбия сифатини квалиметрик мониторинг қилиш қуйидагича педагогик-методик таъминотни етарли эмаслигини кўрсатмоқда:

- ота-оналар ва ўқитувчиларнинг тарбиявий имкониятлари (маҳорат) сифатини ўлчаш ва баҳолаш усуллари мажмуи ишлаб чиқилмаган;

- таълим-тарбия жараёни сифатини мунтазам таҳлил қилишда квалиметрик ёндашув ва мониторинг қилиш шакллари етарли даражада ривожланмаган;

- ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш диагностикаси бўйича синф раҳбарларида услубий-методик мажмуа ишлаб чиқилмаганлиги ва амалиётга қатъий режим асосида йўлга қўйилмаган.

Таълимда квалиметрик мониторинг – таълим ташкилоти тузилмасининг мақсад ва фаолияти бирлиги, таълим берувчиларнинг малака талаби даражаларига мослиги, таълим олувчи (тарбияланувчилар)нинг билимдонлик (тарбияланганлик) даражаларини аниқлаш ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Янада умумлаштирадиган бўлсак, педагогикада мониторинг ўтказиш ва квалиметриялашдан мақсад бу – педагогик жараёнларнинг натижадорлик кўрсаткичларини белгилаш, таҳлил қилиш, унинг миқдорий ўзгаришлари, ўсиш суръати ҳақида якуний маълумотга эга бўлиш шунингдек, самарадорликни сифатий ҳамда миқдорий баҳолашни йўлга қўйишдир.

**Адабиётлар рўйхати (references):**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://www.lex.uz/acts/3107036>
2. Аллаярова С., Аскарлов А. The needs of implementing information technologies in higher education (The case of Uzbekistan as an example) // Сборник IV Всероссийской научно-практической конференции «Информационные и инновационные технологии в науке и образовании». – Таганрог, 29-30 октября, 2019.
3. Abdullayeva G.A. (2021) O'quvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasini baholashning ayrim masalalari // Academic research in educational sciences. №NUU Conference 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-quvchilarning-ma-naviy-axloqiy-tarbiyasini-baholashning-ayrim-masalalari> (дата обращения: 02.12.2021).
4. Горбуна Л.Г. Квалиметрический мониторинг учебных достижений студентов // Высшее образование в России. 2010. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kvalimetriceskiy-monitoring-uchebnyh-dostizheniy-studentov> (дата обращения: 08.12.2021).
5. Ефремова О.А. и др. Концептуальная модель квалиметрического мониторинга в сфере образования // Философия образования. – 2011. – №. 5. – С. 58-71.
6. Никитина Н.И., Галкина Т.Э., Комарова Е.В. Квалиметрический мониторинг в системе непрерывного профессионального образования: междисциплинарный контекст // Человеческий капитал. – 2013. – №. 4. – С. 100-105.
7. Каримова Г.Қ. (2019) Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг таркиби ва мазмунини такомиллаштириш: 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Дисс. иши. - Т: Б.15.
8. Слостенин В.А. Качество образования как социально-педагогический феномен // Пед. образование и наука. 2005. № 3. С. 65-69.
9. Субетто А.И. Квалитология образования. - М.; СПб.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 2000. - 220 с.
10. Черепанов В.С., Шихов Ю.А. Квалиметрический мониторинг качества образования: концептуально-программный подход // Образование и наука. 2008. №2. С.66. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kvalimetriceskiy-monitoring-kachestva-obrazovaniya-kontseptualno-programmnyu-podhod> (дата обращения: 17.12.2021).
11. Хайдарова Х.Р. (2021) Ота-оналарнинг виртуал педагогик маданиятини ривожлантиришнинг амалий масалалари. // Academic research in educational sciences. – Т. 2. – №. 3.
12. Хамрокулова Ш. Э. (2021) Экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти // Academic research in educational sciences. – Т. 2. – №. NUU Conference 1. – С. 286-289.
13. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/monitoring-uz/>